

Гулистон ҳаёти

Оммавий ижтимоий-сиёсий газета № 13 (6084)

2021 йил 29 октябрь, жума

Газета 1930 йил май ойидан чиқа бошлаган

E-mail: Guliston-hayoti@mail.ru

Туман сектор раҳбарлари ва уларга бириктирилган маҳаллалар тўғрисида биласизми?



1-сектор раҳбари, туман ҳокими
Сайдимкул Шоимкулович БЕГИМКУЛОВ
Сектордаги маҳаллалар: «Сойибобод», «Юлдуз», «Зарбдор», «Мевазор», Ҳ.Олимжон, «Оқолтин», «Тажрибкор», «Бахмал» ҳамда «Ишонч» МФИ
Сектордаги аҳоли: 27436 нафар

2-сектор раҳбари, Гулистон туман Прокурори
Дилшод Муҳаммадович САНГИРОВ
Сектордаги маҳаллалар: «Боёвут», «Теразор», «Соҳил», «Олтин водий», Фурқат, «Шарқ ҳақиқати» ва «Соҳилбод» МФИ
Сектордаги аҳоли: 18412 нафар

3-сектор раҳбари, туман ИИБ бошлиғи
Шодийер Усмонович ИБРАГИМОВ
Сектордаги маҳаллалар: «Бешбулок», «Чортоқ» ҳамда «Мустақиллик» МФИ
Сектордаги аҳоли: 11806 нафар

4-сектор раҳбари, туман ДСИ бошлиғи
Хасан Набижон ўғли ФАРСАХАНОВ
Сектордаги маҳаллалар: «Ибрат», А.Ясавий, «Дўстлик», «Аҳиллик», А.Навоий ва «Бирлашган» МФИ
Сектордаги аҳоли: 16441 нафар

Гулистон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати

2022 йил учун ОБУНАГА ШОШИЛИНГ!

"Гулистон ҳаёти" газетасига 2022 йил учун обуна бошланган. Туманимиз ҳаётдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий, тиббий ва маданий соҳадаги ўзгаришлар, замонадошларимиз ҳақидаги ҳикоялар ва албатта сизни қизиқтирган янгиликлар билан йил бўйи сизни таништирамиз. Энг яхши ҳамроҳ ва маслақдош бўлиш таҳририят ходимларининг шоридир.

Йиллик обуна нархи 165000 (Бир юз олти миш беш минг) сўм. Обуна таҳририятда ва "Агробанк"нинг туман бўлимида давом этмоқда.

Мурожаат қилинг:
67 796-35-34,
+99899 477-64-36.

Ташир буторинг:
Деҳқонобод шаҳарчаси, Ниҳол кўчаси,
1-уй. "Гулистон ҳаёти" газетаси таҳририяти биноси.



"МЕҲР ВА ЭЪТИБОР УЧУН ТАШАККУР!"

Маҳаллада яшовчи барча тоифадаги фуқароларга, хусусан кам таъминланган, қаровчиси йўқ, саломатлиги жиҳатидан кўмакка мутожларга алоҳида эътибор берилаётгани ҳам-ҳукуратимизнинг инсонпарварлигидандир.

Яқинда туман ҳокимлигида вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасининг ташаббуси билан Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан 17 нафар оғир турмушда яшаётган, ногиронлиги бўлган хотин-қизларга реабилитация воситалари топширилди.

Туман ҳокими С.Бегимкулов реабилитация воситаларини топширар экан, мамлакатимизда хотин-қизларни, оғир ижтимоий шароитда яшаётган, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тадбирда иштирок этганларнинг ҳар бири "Меҳр ва эътибор учун ташаккур!" дейиши ҳаяжон билан. Реабилитация воситалари уларнинг ҳасталикларни енгишда бир қадар кўмак беришини, нисбатан оғирини енгили қилишини дилдан изҳор этишди.

Таъкидлаш жоизки, Муҳтарам Президентининг "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сонли Фармони мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган муносабатни янада янги босқичга кўтарди. Мазкур Фармон хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини яратишга тўқсинлик қилаётган муаммо ва камчиликларни ҳал этишга қаратилган тарихий ҳужжат бўлди. Бу ҳужжат ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинининг кундалик режасининг мазмунини ташкил этишига шубҳа йўқ.



Ишнинг маромини ва сифатини оширишда яратилган шароитлар ўрни катта, албатта. Шу ўринда маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси учун алоҳида янги бинолар қуриб берилаётгани маҳалла аҳли учун ҳам қувончли воқеа. Ахир мурожаат қилгани ўзига хос ва мос бинода фаолият кўрсатаётган раиснинг олдига бориш, ҳаммининг оғир-енглини зиммасига олган инсонларнинг замонавий бинода хизмат кўрсатиши-бу ҳолатлар иккала томонга ҳам бир қадар куч ва ғурур беради.

Тумандаги "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган ва барча шароитларга эга маҳалла идораси "Мустақиллик" маҳалласида истиқомат қилувчи 717 та оилага ҳам ажойиб байрам тўғриси бўлди. Маҳаллада 424 та хонадон мавжуд бўлиб, 2815 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла қошида туман "Нуронийлар маскани" ҳамда "Хунармандлар мактаби"нинг ҳам фойдаланишга топширилиши эзгу-ниятлар ва шукроналикнинг уйғунлашуви, десак янглишмаймиз.

Бинонинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар, сўнгги йилларда мамлакатимизда маҳалла институти фаолиятини янада ривожлантириш, уни энг халқчил тузилмага айлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Бугунги кунгача туманимизда 13 та маҳалла фуқаролар йиғини янги бинаоларга эга бўлди.

Шўхрат ХУШМУРАТОВ,
туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи

